

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

“ФАРМАЦИЯДА ТАЪЛИМ, ФАН
ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН
МАТЕРИАЛЛАРИ

МАТЕРИАЛЫ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

“АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ
ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ
И ПРОИЗВОДСТВА В ФАРМАЦИИ”

Тошкент-2009

Таҳрир ҳайъати:

Раис: Юнусхўжаев АН.

Аъзолар: Шабилотов А.А.
Аминов С.Н.
Расулова С.А.
Файзуллаева Н.С.

Маҳаллий хом ашёлар асосида юрак тинчлантирувчи гомеопатик дори турлари технологияси

З.А. Назарова

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Ишнинг мақсади: гомеопатик даволаш тизими асосан организмни ўз-ўзининг даволаш жараёнини фаоллаштиради. Ўзбекистон худудида ўсадиган маҳаллий ўсимлик хом ашёси: леонурус, кратегус ва мента гомеопатик гранула технологиясини ишлаб чиқиш ишнинг мақсади бўлди.

Усуллар: арслонқуйруқ ўти, ялпиз барги маҳаллий ўсимликлар хом ашёлардан В.Швабе қўлланмасининг 3 банди асосида эссенция ва тўқ қизил дўлана мевасидан настойкалар олиниб, уларни асосий сифатини белгиловчи кўрсаткичлари аниқланди: ташқи кўриниши, чинлиги, этил спирти қуввати, қуруқ қолдиқ ва капилляр таҳлили, олинган натижалар бўйича дастлабки гомеопатик воситаларни ташқи кўриниши мос келади, спирт концентрацияси 83-83,5% эссенциялар учун 83-83,5%, настойканики – 43,13%; қуруқ қолдиқ 1,6-2,0 гача, капилляр таҳлили НТХ да келтирилган натижага жуда яқин келди.

Натижалар: олинган дастлабки гомеопатик воситалар 45%-ли этил спирти билан суюлтирилиб 3-нчи юзлик суюлтирилиш (3с) олинди; 50,0г тинчлантирувчи гомеопатик гранулаларни тайёрлаш учун хажми 100,0 мл ли шиша флаконга 50,0г гранула тортиб олинди, унинг устига 0,5 г (15 томчи) 70% этил спирти ва 0,1 г (3 томчи) дан ҳар қайси настойкадан қўшилди.

Гранулалар 10 дақиқа давомида яхшилаб аралаштирилди ва қуритилади. Тайёр гранулаларни оғзи яхши беркитиладиган идишга солиб қўйилди. Тинчлантирувчи гранулалар ташқи кўриниши, парчаланиши бўйича, қўйилган талабларга жавоб беради ҳамда бир-бирига ёпишиб қолган гранулалар бўлмади.

Хулосалар: тинчлантирувчи гомеопатик дори воситаси-гранулалар технологияси ишлаб чиқилди ва сифати баҳоланди.